



Nókis q. A.Dosnazarov k. 62 úy, tel (061) 222-24-63, faks 222-98-30,
web-site: <http://kkedu.uz>, e-mail: qoraqalpogiston_xtv@xtv.uz

« 19 » Апрель 2021 j.

03-01/9-1990 - sanli

Ўзбекистон Республикаси
Халқ таълими вазирлигига

Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Нукус шаҳри Науқанбағ МФИ Амир-тулпор кўчаси 9-уйда яшовчи С.Реипназарованинг 2021 йил 5 апрелдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхонасига қилган мурожаати тегишли мутахассислар томонидан ўрганиб чиқилди.

Мурожаатни ўрганиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Амударё тумани халқ таълим бўлимида ишчи груҳ тузилиб мурожаат жойида ўрганилди.

Мурожаатни ўрганиш жараёнида, Амударё тумани Тор ёп МФЙ ҳудудида жойлашган 21-сонли умумтаълим мактабининг инглиз тили фан ўқитувчилари С.Мергенбоева ва С.Реипназарова оғохлантиришларга қарамасдан меҳнат интизоми коидаларини бузганлиги яъни дарс соатларини сабабсиз ўтмасдан қолдирганлиги учун мактаб маъмурияти томонидан далолатнома тузилган ҳамда 2021 йил 19 январ куни 21-сонли мактабнинг 47-сонли буйруғи билан “Хайфсан” берилган. Мактаб директори томонидан ММИБДЎ Д.Ҳайтбоева ҳамда ЎИБДЎ Г.Ўтабоевага мактаб дарслар вақтида ва гуруҳларга бўлиниб ўтиладиган дарсларга масъул ходимнинг шахсан ўзлари ўтишларини таъминлаш бўйича оғохлантириш хати 2021 йил 17 февраль куни берилган. С.Реипназарова 2021 йил 12 февралдан 3 март саналарида вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик (касаллик) варақасида бўлган. Жорий йилнинг 4 март санасида С.Реипназарова мактаб ишига қайтган ва С.Мергенбоева билан бир бирини тушунмаслиги оқибатида мактаб ўқитувчилар хонасида ўзаро жанжал юзага келган.

Бўлиб ўтган жараён аниқлик киритиш мақсадида 2021 йилнинг 5 март куни Амударё тумани халқ таълими бўлими томонидан ишчи гуруҳи тузилиб, ушбу ҳолат юзасидан ўрганиш ишлари олиб борилди. С.Реипназарова ўз ҳисобидан таътил олганлиги маълум бўлди. Аммо, шу куннинг ўзида мактаб педагог жамоаси билан биргаликда йиғилиш ўтказилиб тушунтириш ишлари олиб борилди.

Жорий йилнинг 5 апрел куни туман халқ таълим бўлими ходимлари 21-сонли умумтаълим мактабга бориб, мактаб маъмурияти ҳамда С.Мергенбоева ва С.Реипназарова билан учрашиб тушунтириш ишлари олиб борилди. С.Мергенбоева ва С.Реипназарова бундай ҳолат қайтарилмаслигини айтиб ўзларининг тушунтириш хатларида кўрсатиб ўтган.


2021 йил 8 апрел куни С.Мергенбоева ва С.Реипназарова Амударё тумани халқ таълими бўлимига чақирилиб, мутахассислар томонидан тегишли тартибда тушунтириш ишлари олиб борилди.

Юқоридагиларни инобатга олиб Амударё тумани халқ таълим бўлимига қарашли 21-сонли мактабда таълим сифати ва мазмунини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётганлигини маълум қилиб билдирамыз.

Илова: Электрон шаклида берилади.

Вазир ўринбосари

Ш.Таджимуратов



Mang'itsh, 230700, Qipchoqk. r-sizuy
Tel/fax: (361) 515-23-76

<http://amuziyo.uz>
E-mail:
amudaryo_txb@xtv.uz

Mang'itq, 230700, Qipshaqk. n-siz jay
Tel/fax: (361) 515-23-76

“15” – “апрел” 2021 йил

№ 116/6

Қорақалпоғистон Республикаси
Нукус шаҳри Науқанбағ МФЙ
Амир-гулпор кўчаси 9-уйда яшовчи
Реипназарова Светланага

Амударё тумани Халқ таълими бўлими Сизнинг Ўзбекистон Республикаси Президентига Халқ қабулхонаси орқали 2021-йил 5-апрел кuni келиб тушган мурожаатингиз, Халқ таълими бўлими ходимлари томонидан тегишли тартибда ўрганилди ва қуйидагиларни маълум қиламиз:

Амударё тумани Тор ёп МФЙ ҳудудида жойлашган 21-сонли умумтаълим мактабнинг инглиз тили фан ўқитувчилари Мергенбоева Сайёра Жанабергеновна ва Реипназарова Сайёра Бахтиёр қизи оғохлантиришларга қарамасдан меҳнат интизоми қоидаларини бузганлиги яни дарс соатларини сабабсиз ўтмасдан қолдирганлиги учун мактаб маъмурияти томонидан далолатнома тузилган ҳамда 2021 йил 19 январь кuni 21-сонли мактабнинг 47-сонли буйруғи билан “Хайфсан” берилган. Мактаб директори томонидан ММИБДЎ Д.Хайтбоева ҳамда ЎИБДЎ Г.Ўтабоева мактабда дарслар вақтида ва гуруҳларга бўлиниб ўтиладиган дарсларга масъул ходимнинг шахсан ўзлари ўтишларини таъминлаш бўйича оғохлантириш хати 2021 йил 17 февраль кuni берилган. Реипназарова Сайёра Бахтиёр қизи 2021 йил 12 февралдан 3 март саналарида вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик (касаллик) варақасида бўлган. Жорий йилнинг 4 март кuni Реипназарова Сайёра мактабга иш қайтган ва Мергенбоева Сайёра Жанабергеновна билан бир бирини тушунмаслиги оқибатида мактаб ўқитувчилар хонасида ўзаро жанжал юзага келган.

Бўлиб ўтган жараёнга аниқлик киритиш мақсадида 2021 йилнинг 5 март кuni туман Халқ таълим бўлими ишчи гуруҳи ушбу ҳолат юзасидан ўрганиш ишлари олиб борди. Реипназарова Сайёра Бахтиёр қизи ўз ҳисобидан таътил олганлиги маълум бўлди. Шу куннинг ўзида мактаб педагог жамоаси билан биргаликда йиғилиш ўтказилиб тушунтириш ишлари олиб борилди. Жорий йилнинг 5 апрел кuni туман Халқ таълим бўлими ходимлари 21-сонли умумтаълим мактабга бориб мактаб маъмурияти ҳамда Мергенбоева Сайёра Жанабергеновна ҳамда Реипназарова Сайёра Бахтиёр қизи билан учрашиб тушунтириш ишлари олиб борилди ва Мергенбоева Сайёра Жанабергеновна Реипназарова Сайёра Бахтиёр қизи бундай ҳолат қайтарилмаслигини айтиб ўзларининг тушунтириш баён қилдилар.

2021-йил 8-апрел кuni Реипназарова Сайёра Бахтиёр қизи ва Мергенбоева Сайёра Жанабергеновна туман ХТБга чақирилиб, мутахассислари томонидан тегишли тартибда тушунтириш ишлари олиб борилди.

Туман ХТБ мудирив.в.б:

Х.Давлетьаров

“O‘zbekiston pochtasini”



aksiyadorlik jamiyati

361

-son KVITANSIYA

(kvitansiya yoki shtrixli pochta identifikatori raqami)

buyurtma Yilov qabul qilishda

(jo'natma turi) (alohida belgisi)

Qayerga Yul'yo uzoq

Kimga Devara Joroba


Og'irlik 0.20 g

Jo'natish uchun to'lov 3800 so m 7 tiyin

Qabul qildi [Signature]

(imzo)

O‘zbekiston Respublikasining «Pochta aloqasi to‘g‘risida»gi Qonuniga muvofiq pochta aloqasi obyektlari berilgan kundan boshlab 6 oy davomida qabul qilingan pochta jo‘natmalari uchun javob beradilar



(berilgan joy taqvim shtempli izi)

